

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/PhD.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАВЛОНОВА НАРГИЗА АЛИШЕРОВНА

**ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТИЛЛАРАРО
ФРАЗЕОЛОГИК МУВОФИҚЛИКЛАР**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 81'373,7+
+811,111
+811,161,1
+811,512,133

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Мавлонова Наргиза Алишеровна

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликлар..... 3

Мавлонова Наргиза Алишеровна

Межъязыковые фразеологические соответствия в английском, русском и
узбекском языках..... 23

Мавлонова Наргиза Алишеровна

Interlingual phraseological correspondences in English, Russian and Uzbek
languages 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/PhD.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАВЛОНОВА НАРГИЗА АЛИШЕРОВНА

**ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТИЛЛАРАРО
ФРАЗЕОЛОГИК МУВОФИҚЛИКЛАР**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil472 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net уз манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшанкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, профессор

Усаров Иброҳим Курпашаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.03/30.12.2019.Fil/Phd.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-42; факс: (99866) 239-12-29; e-mail: info@samdchti.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (—рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-42.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» август куни тарқатилди.
(2022 йил «30» август да46 - рақамли реєстр баённомаси).



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Г.К.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда турли тиллар фразеологиясини генетик ва типологик жиҳатдан қиёсий ўрганишга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ошмоқда. Замонавий жаҳон тилшунослик тил соҳибларининг мулоқот жараёнидаги нутқий фаолияти лингвомаданий муаммоларига катта эътибор қаратмоқда. Тилни ўзлаштиришнинг лингвомаданий жиҳати масаласи жаҳон тилшунослигида етакчи ўринни эгаллайди. Нутқий формулаларнинг қўлланиши, ибораларнинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиниши, маданиятлараро мулоқот соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш каби муаммолар лингвомаданий нуқтаи назардан янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқотларнинг олиб борилишини тақозо этади. Глобаллашув жараёнида мазкур муаммолар янада долзарбланимоқда. Тиллараро фразеологик умумийликнинг турли жиҳатларини ёритиш луғавий birlikларни ўзлаштириш ҳамда байналминал хусусиятли турғун иборалар ҳосил бўлиши жараёнини таҳлил қилиш, шунингдек, фразеологик умумийлик механизмларини турли тилларда юзага келтирувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда фразеологик категориялар, уларнинг мавзуй-семантик гуруҳлари, инглиз-рус, рус-ўзбек тилларидаги фразеологик мувофиқликлар ва уларни танлаш мезонлари юзасидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларда тиллараро фразеологик мувофиқлик, фразеологик эквивалент ва аналогларнинг турларини аниқлаш ҳамда фразеологик birlikларни тавсифлашнинг идеографик тамойилларини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу аспектда тиллараро фразеологик мувофиқлик ва эквивалентларнинг ўзига хос миллий, аксиологик ва эмоционал хусусиятларини алоҳида ўрганиши зарурати кучаймоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга, хусусан, уларнинг фразеологик захирасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. "Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини асраш, унинг сўз бойлигини кенгайтириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, улардан бир хилда фойдаланишни таъминлаш долзарб вазифадир"¹. Бу борада ҳозиргача рус, инглиз ва ўзбек фразеологиясининг умумий фонди аниқланмаган, фразеологик birlikларининг генетик ва типологик алоқалари ўрнатилмаганлиги билан белгиланди. Ўзбек тилшунослигида биринчи марта уч қардош бўлмаган тиллар материалида тиллараро фразеологик умумийликни мажмуавий ўрганишни бутун фразеологик тизим даражасида жорий қилиш долзарб аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёеванинг 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Халқ сўзи.- Тошкент, 2019.- 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларни ўрганилиши бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Фразеологиянинг фан сифатида шаклланишида рус олимлари В.В. Виноградов, Н.Н. Амосова, А.В. Кунин, В.М. Мокиенко, И.И. Чернишева, Н.М. Шанский ва М.Т. Тагиевлар² катта ҳисса қўшдилар.

Фразеологик бирликларнинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилган ва бунинг натижаларини ўз асарларида акс эттирган ғарб тадқиқотчиларидан Н.Р. Норрик, Б.Алтенберг, А.Де Ла Гранжа, П.Глезер, Г. Кнаппе, С.Е.

²Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - Москва, 1977.-267с.; Амосова Н.И. Основы английской фразеологии. - Ленинград,1963.-227с.; Кунин А.В. Фразеология современного английского языка.- Москва, 1972.-288с., Мокиенко В.М. Славянская фразеология – Москва, 1970.-200с.; Шанский Н.М. фразеология современного русского языка. Москва, Высшая школа 1969.-315с.; Тагиев М.Т. Глагольная фразеология современного русского языка. – Баку, Маариф, 1966.-150 с.

Чернобай, М. Л,Бешай, А. Врбинц, М. Врбинц³ кабиларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбек олимлари Ш.Раҳматуллаев, Х.Бердиёров, Я.Д. Пинхасов, М. Умархўжаев, Б. Йўлдошев, А.Э. Маматов, А.Маматов, М.Содиқова, К.М.Ҳақимов, Ш.Р. Усманова, М.К. Халикова, К. Бозорбоев, Ш. Абдуллаев, Ш. Алмаматова, М. Вафоева⁴ ва бошқа бир қатор тилшунослар ҳам ўзбек фразеологияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Ғ. Саломов, Қ. Мусаев, Ю.Пўлатов, С. Абидхўжаева, Ғ.К. Қамбаров, М. Холбеков ва Ш.Сафаров⁵ тадқиқотларида фразеологик бирликлар таржимаси билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилган.

Ҳозирги замон тилшунослигида фразеологик бирликларни бошқа тиллар билан қиёсий ўрганиш ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ

³ Norrick N.R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs. - Berlin; New York: Mouton, 1985.- 213p.; Bengt Altenberg. On the phraseology of spoken English// The evidence of recurrent word-combinations. - Oxford: Clarendon Press, 1998.-P. 101-121.; Alvarez de la Granja, Maria (ed.). Fixed expressions in cross-linguistic perspective: a multilingual and multidisciplinary approach. -Humburg: Verlag Dr. Kovac, 2008.-382 p.; Glaser, Rosemarie. The Stylistic potential of phraseological units in the light of genre analysis //Phraseology.Ed. A.P.Cowie.- Oxford Clarendon Press, 1998. -P. 25-45; Knappe, Gabrielle. Idioms and fixed expressions in English Language Study before 1800.- Peter Lang, 2004.-664p.; Чернобай С.Е. определение идиомы и современной фразеологии// «Филология. Социальные коммуникации». – Симферополь, - 2011. Том 24 (63). №3- С.320-321.; Beshaj Ma Lediana.Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language//Mediterranean journal of Social Sciences//pub. By MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome; Vol.-4 № 2; May,2013.-P.453-456.; Vrbinc Alenka., Vrbine Marjeta. Phraseological Units with onomastic components: The case of English and Slovene//Revista de Linguistica Teorica y Aplicada. Concepcion (Chile), 52(1), 1 Sem.2014, P. 133-153.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари; Филол.фан.докт.дисс.автореф.-Тошкент, 1966.-46 б; Бердиёров Х, Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. – Самарканд, 1977.-21-26; 38 б; Пинхасов Я.Д. Хозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969.-Б. 55-65.;Умарходжаев М.И.Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс.канд.филол.наук.- Москва, 1972.-27 с.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.докт.дисс.-Тошкент, 1993.-297 с; Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент: Фан, 1991.-276 б; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол.фан.докт.дисс.-Тошкент,1999.-312 б.; Содиқова М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати.-Тошкент, 1993.-259 б.; Ҳақимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол.фан.номз.дисс.автореф.-Тошкент, 1994.-24 б.; Усманова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.номз.дисс.-Самарканд, 1998.-160 б.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков): Дисс.канд. филол.наук.- Ташкент, 1999.-142с.; Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.номз.дисс.автореф.-Самарканд, 2001.-22 б.; Абдуллаев Ш.Д.Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенев асарларнинг ўзбекча таржимаси асосида): Филол.фан.номз.дисс.-Тошкент: ЎзРФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти,2007.-157 б.; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларнинг компонент таҳлили: Филол.фан.номз.дисс.автореф.-Тошкент, 2008.-23 б.; Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол.фан.номз.дисс.автореф.-Тошкент, 2009.-26 б.

⁵ Саломов Ғ. Тил ва таржима.- Тошкент: Фан,1966.-145 б.; Саломов Ғ. Бадий таржимада услубий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси // Таржима санъати (мақолалар тўплами).- Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-Б. 53.; Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари: Филол.фан.номз.дисс.-Самарканд,1967.-140 б.; Пўлатов Ю.Ғ.Бадий асарда номлар таржимаси.- Тошкент: Фан.1967.-68 б.; Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: дисс.канд.филол.наук.-Национальный ун-т. Узбекистана им.М.Улугбека 2002.-128 с.; Одилова Ғ.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърияти таржималарида адекватлик муаммолари: Филол.фан.номз.дисс.-Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011.-153 б.; Гафуров И.,Мўминов О., Қамбаров Н.М. Таржима назарияси// Олий ўқув юртлар учун қўлланма.-Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012.-280 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди // Мақолалар тўплами.-Тошкент Наврўз, 2015.-112 б.; Сафаров Ш.С. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти //Хорижий филология (Мақолалар тўплами).-Самарканд: СамДЧТИ, 2018.- Б. 9-21.

қилиш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бу борада Л. Кулиев, К. Мусаев, И. Степанова, Е. Арсенева ва И. Н. Исабековларнинг⁶ иккита қардош бўлмаган тиллар доирасида олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда фразеология масаласига доир жаҳон тилшунослигида устувор тадқиқотлар давом этмоқда: жумладан, турли тиллар материалида тил ва нутқда фразеологик бирликларнинг вербаллашуви, контекстдаги фразеологик бирликларнинг прагматик жиҳати, фразеологик бирликларнинг когнитив ва лингвомаданий аспекти, турли муаллифларнинг бадиий матнларида фразеологик бирликларнинг услубий функциялари, турли тилларда фразеологиянинг коммуникатив ва дискурсив таснифи, фразеологизмларнинг инглиз, рус ва ўзбек тиллари материали асосида қиёсий ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, "Тил ва нутқ тизимида тил бирликлари таҳлили" мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида тиллараро фразеологик мувофиқликлар кўламини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликнинг белгиларини ёритиш ҳамда танлаш мезонларини тасвирлаш;

қиёсланаётган тилларда тиллараро фразеологик мувофиқлик, фразеологик эквивалент ва аналогларнинг турларини аниқлаш;

тиллараро фразеологик умумийликнинг сабабларини белгилаш ҳамда инглиз фразеологизмлар идеографик тавсифи тамойилларини аниқлаш ва уларнинг рус ва ўзбек тилларидаги эквивалентларини топиш;

ўзбек тилида интернационал фразеологик бирликларга тегишлиликнинг умумий тамойилларини белгилаш;

тиллараро фразеологик мувофиқликни юзага келиши жараёнида калькаланишнинг энг сермахсул усул сифатида тадқиқ қилиш;

таҳлил қилинаётган тилларда фразеологик мувофиқлик ва эквивалентларнинг ўзига хос миллий, аксиологик ва эмоционал хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек тиллари аро фразеологик умумийликка эга бирликлар олинган.

⁶ Кулиева Л. Принципы фразеологизации в русском и английском языках: Автореф.дисс.канд. филол.наук.- Баку, 2004.-26с.; Мусаев К. Перевод лексических и фразеологических единиц как проблема частной теории перевода (на материале переводов русского и узбекского языков): Автореф.дисс.докт. филол.наук.- Тбилиси,1988.-42 с.; Степанова И. Английские фразеологические единицы с флористическим компонентом(в сопоставлении с русским языком): Автореф.дисс.канд. филол.наук.- Киев, 1987.-24 с. Арсентьева Е.Ф.Сопоставительный анализ фразеологических единиц выражающих характер человека в английском и русском языках: Автореф.дисс.канд. филол.наук.-Москва,1984.-16 с. Исабеков И.Н. Фразеологизмы и проблемы их перевода (на материале кыргызского и русского языков): Автореф.дисс.канд. филол.наук.-Бишкек,2004.-24 с.

Тадқиқотнинг предметини инглиз-рус-ўзбек тиллари доирасидаги тиллараро фразеологик мосликни аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда синхрон-қиёсий, структур-типологик, қиёсий-тарихий, тарихий-этимологик, структур-грамматик, лексик-семантик таҳлил, фразеологизмларни шакллантирувчи моделлаштириш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликнинг структур-грамматик, стилистик ва прагматик хусусиятларини акс эттирувчи лисоний ва маданият билан боғлиқ нолисоний кўрсаткичли белгилари аниқланиб уларнинг тил жамоаси томонидан табиий танланиш мезонлари ишлаб чиқилган;

қиёсланаётган тилларда тиллараро фразеологик мувофиқлик, фразеологик эквивалент ва аналогларнинг турларини ажратишнинг стилистик ва прагматик нуқтаи назардан тиллараро изоморф усуллари такомиллаштирилган;

тиллараро фразеологик умумийликнинг стилистик, лингвокультурологик ҳамда прагматик қатламга мансуб сабаблари аниқланиб, инглиз фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилувчи идеографик тамойиллари яратилган;

тиллараро фразеологик мувофиқларни юзага келишини таъминлашда миллий-маданий, контекст билан боғлиқ фразеологик калькалаш энг сермахсул усул эканлиги далилланган;

лисоний маданият доирасида юзага келадиган тиллараро фразеологик эквивалентларнинг халқлар орасида дунёни образли кўришнинг алоҳида шакллари умумийлиги ва бир хиллигига асосланган - миллий, мантиқий-семиотик ва конкрет-образли шакллари кўзда тутувчи аксиологик ва кўп ўлчовли, маданий жиҳатдан муҳим ижтимоий-психологик тузилмалар кўринишидаги эмоционал хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликнинг лисоний муаммолари очиб берилган ва уларни ечиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликнинг номутаносиб ҳолатлари структур-грамматик, лексик-морфологик, семантик, прагматик, лингвомаданий нуқтаи назардан ажратилган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик бирликлар сатҳдаги мутахассислар ва таржимонлар учун лингводидактик тавсиялар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар татбиғининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз, рус ва ўзбек тилларида маълум қўламдаги умумий фразеологик фонд мавжуд эканлиги ва уларнинг бирликлари тиллараро фразеологик муқобиллик хусусиятига эгаллигини қайд этиш мумкин, шунингдек, тадқиқотнинг илмий аҳамияти тиллараро фразеологик мослик умумий семантик ва стилистик инвариантга эга бўлган ва моддий шаклнинг инвариант тасодифийлиги, лексик тузилиши (мумкин бўлган қисман ўзгаришлари билан) образли структуранинг нисбийлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари олий ўқув юр்தларининг ўқув жараёнида умумий тилшунослик, фразеология, когнитив тилшунослик, стилистика ва матн талқини, матн лингвистикаси, лингвомаданиятшунослик бўйича маъруза ва семинарлар ўтказишда, диссертациялар ёзишда, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда фразеологик луғатлар тузишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиллараро фразеологик мослик ва эквивалентларни аниқлашда олинган назарий таклифлар ва амалий натижалари асосида:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликнинг структур-грамматик, стилистик ва прагматик хусусиятларини акс эттирувчи лисоний ва маданият билан боғлиқ нолисоний кўрсаткичли белгилари аниқланиб уларнинг тил жамоаси томонидан табиий танланиш мезонлари ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион лойиҳанинг 4 бандини бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2020 йил 30 ноябрдаги 3085/30.02.01 – сон маълумотномаси). Натижада, тиллараро фразеологик мосликни танлаш ва аниқлаш усули, фразеологик ўзлаштириш жараёнининг асосий йўналишини аниқлаш борасидаги илмий янгилик, хулосалар ҳамда олинган натижаларни қўллаш имитацион моделларни мувофиқлаштириш ва идрок қилиш алгоритмини яратиш имконини берган;

қиёсланаётган тилларда тиллараро фразеологик мувофиқлик, фразеологик эквивалент ва аналогларнинг турларини ажратишнинг стилистик ва прагматик нуктаи назардан тиллараро изоморф усулларидан Ўзбекистон миллий университетининг ЭРАСМУС+ дастурининг Project № 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC) грант лойиҳасининг 3 қисмини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2021 йил 26 январдаги 04/11-471-сон маълумотномаси). Натижада, бадиий матнлар, каталогларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишга йўналтирилган магистратура талабалари учун ташкил этилган онлайн курсларнинг самараси ошган;

тиллараро фразеологик умумийликнинг стилистик, лингвокультурологик ҳамда прагматик қатламга мансуб сабаблари аниқланиб, инглиз фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилувчи идеографик тамойиллари ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMER: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасининг 5 қисмини бажариш доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 20 февралдаги 409/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, чет тиллар таълимини инновацион ғояларга асосланган ҳолда ташкил қилишга оид тавсиялар шакллантирилган;

лисоний маданият доирасида юзага келадиган тиллараро фразеологик эквивалентларнинг халқлар орасида дунёни образли кўришнинг алоҳида шакллариининг умумийлиги ва бир хиллигига асосланган - миллий, мантиқий-семиотик ва конкрет-образли шакллари кўзда тутувчи аксиологик ва кўп ўлчовли, маданий жиҳатдан муҳим ижтимоий-психологик тузилмалар кўринишидаги эмоционал хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 март куни эфирга узатилган “Ижод гулшани” кўрсатувининг навбатдаги сонининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 мартдаги 09-01/97 – сон маълумотномаси) Натижада, ушбу кўрсатув инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида тиллараро фразеологик мувофиқликлар кўлами ҳақидаги янги ахборот ҳисобидан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертация натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида муҳокама қилинган илмий маърузалар шаклида тақдим этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий мақола, шу жумладан, диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган миллий журналларда 5 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республика фан ва технологиялар устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, диссертациянинг

жорий қилинганлиги, муҳокама қилиниши, нашр қилинган ишлар ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

«Тиллараро фразеологик мосликни аниқлаш» – деб номланган биринчи бобда фразеологик бирликлар тушунчасининг талқинлари аниқлаштирилиб, фразеологияни қиёсий ўрганиш муаммоси кўриб чиқилган ҳамда тиллараро фразеологик умумийликни ўрганишнинг назарий асослари ёритилган ва фразеологик мослик ҳодисанинг мезонлари белгиланиб, инглиз тили фразеологизмларининг идеографик тавсифи ва уларнинг рус ва ўзбек тилларидаги эквивалентларини ажратиш масалалари тадқиқ қилинган.

Фразеологик бирликлар жуда мураккаб тадқиқот объекти ҳисобланади, лингвистик адабиётларда бу муҳим тушунчанинг таърифи ноаниқ, зиддиятли, зеро фразеологик бирликларни (ФБ), улар билан чегара ва ёндош тил бирликларидан фарқлаш учун ягона мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Тақдим этилаётган ишда компонентларнинг нисбатан доимийлиги, нутқий барқарорлиги ва репрезентативлик фразеологиянинг хусусиятлари сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб, фразеологик бирлик деганда нисбатан доимий таркибда нутқда такрорланадиган лексемаларнинг барқарор бирикмаси тушунилади.

Олиб борилаётган тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб, ўрганилаётган муаммо доирасига идиомаларнинг ўзи билан бир қаторда турли хил тузилмалар ва функционал турдаги иборалар ва ифодалар, яъни қўшма номлар, матал-мақоллар, бадиий афоризмлар ва бошқалар киради. Фразеологияни бу йўсинда кенг талқин қилиш генетик ва типологик жиҳатдан фарқ қилувчи тиллар фразеологиясини қиёсий ўрганишда ягона мақбул йўл ҳисобланади.

Таҳлил усулининг мураккаблиги боис, уч ва ундан ортиқ тилларнинг ФБ материалига оид илмий тадқиқотлар миқдори ниҳоятда камлиги барчага маълум⁷

Турли тиллар фразеологиясининг яқинлашиш қонуниятлари етарли даражада ўрганилмаган. Бунинг сабаби тадқиқотлар кўпроқ генетик ва типологик жиҳатидан турли тилларда тиллараро фразеологик жараёнларга батафсил тавсиф беришнинг мақбул услубий тамойилини ишлаб чиқиш мураккаблиги билан изоҳланад. Бу бизга фразеологик ривожланиш тенденциялари сабаб ва хусусиятларини ҳам топиш имконини беради.

Бизнинг ишимиз учта қардош бўлмаган тилларнинг фразеологик умумийлигини фразеологик эквивалентлик ёки фразеологик муъобиллик даражасида ўрганишнинг дастлабки тажрибасидир.

Тиллараро фразеологик муқобиллик даражасини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз: 1) ФБ нинг маъноси, яъни семантик параметр; 2) ФБ нинг нутқда бажарадиган вазифаси, ишлатилиш соҳаси ва эмоционал-баҳоловчи хусусиятлари, яъни функционал-стилистик параметр; 3) ФБ нинг лексик таркиби, яъни лексик параметр; 4)

⁷ Ройзенон Л.И., Бушуй А.М., Ройзензон С.И. Библиографический указатель литературк по вопросам фразеологии. – Самарканд: Изд-во Самарканд. Ун-та, 1974. – Вып. 3-240 с.

ФБ нинг синтактик тузилиши ва грамматик расмийлаштирилиши, яъни структур-грамматик параметр. Биринчи учта параметр асосий ҳисобланади ва уларнинг биринчи ва иккинчи қисмлари энг муҳим ҳисобланади; таққосланаётган тил тизимларидаги фарқдан келиб чиққан ҳолда тўртинчи параметрни қўшимча, деб қараш мумкин.

Бизнинг фикримизча, "тилларао фразеологик эквивалент"⁸ атамасини фразеологик бирликларнинг мазмуни, шакли ва стилистик хусусиятларини кўпроқ ёки камроқ даражада ифодаловчи тилларао фразеологик умумийлигини ифодалаш учун нейтрал, ихтисослашмаган атама сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Унинг танланиши ҳам функционал хусусият билан белгиланади: тилшуносликда эквивалентлик – "бир хил вазифани бажаришга имкон берадиган умумий хусусиятларга эга бўлган бирликлар ўртасидаги муносабат" сифатида тавсифланади⁹

Тилларао фразеологик эквивалент доирасида, биз фразеологик мослик, тилларао фразеологик аналоглар ва тилларао фразеологик адекватларни ажратамиз.

Тилларао фразеологик мувофиқлик - умумий маънога эга бўлган кўп тилли ФБ дир, кўп маъноли фразеологик коррелятлар функционал ва стилистик хусусиятлари ва лексик таркибига кўра бир хил ёки ўхшаш ва шунинг учун тасвирида бир хил структуравий ва грамматик ифодага эга эмас. Масалан, "за двумя зайцами погонишься, ни одного не поймаешь", ўзб "Икки қуён ортидан қувсанг, бирортасини ҳам тута олмайсан", инглиз тилида "If you run after two hares, you will catch neither". Ушбу учала мақол халқ донолигини ифодалайди - бир вақтнинг ўзида бир неча мақсадни қўзламаслик маслаҳати, бир хил нутқ услубида, жонли сўзлашув нутқида қўлланилади ва бир хил даражада экспрессивликка эга бўлади. Уларнинг лексик компонентлари, бинобарин, образ ҳам етарлича нисбийдир.

Фразеологик боғлиқликлар барча тўрт параметрга мос келадиган ва ФБнинг поливалентлиги ҳолатидаги барча қийматларни ўзаро қамраб олган мослик учун махсус "тилларао" фразеологик адекватлик¹⁰ атамаси таклиф этилади. Масалан, "охирги сўз" рус ибораси нафақат инглиз тилидаги "last word" ибораси билан, балки бир хил коррелятнинг барча уч маъносини қамраб олади: 1) охирги сўз; 2) энг охирги нарх; 3) охирги ютуқ (фан, техника, тараққиётнинг).

Камида битта умумий маънога эга бўлган, кўпмаъноли фразеологик эквивалентлар фразеологик коррелятларнинг функционал ва стилистик

⁸ Ср.: эквивалент нечто равноценное, равнозначщее, равносильное другому, полностью заменяющее его [Матвеева Ю.О. Межъязыковые соответствия фразеологических единиц с компонентом - музыкальным термином в английском и русском языках. Электронный ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhyazykovye-sootvetstviya-frazeologicheskikh-edinit-s-komponentom-muzykalnym-terminom-v-angliyskom-i-russkom-yazykah>].

⁹ Арнольд И.В. Эквивалентность как лингвистическое понятие// Иностр. языки в школе. 1976. - № 1. - С.11-18. С.11.

¹⁰ Ср.: адекватный – вполне соответствующий, совпадающий Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь/English-Russian Phraseological Dictionary. Лит. ред. М. Д. Литвинова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: Русский язык, 1984. с. 25.

таснифида, (шунингдек, структуравий ва грамматик расмийлаштиришда) бир хил ёки ўхшаш бўлган, лексик таркиби ва образда турли хил бўлган тиллараро фразеологик аналоглар¹¹ дейилади. Мисол учун, англ. *all good things must come to an end* (Am.); русск. "*не все кому масленица*"; узб. *Ҳар кунни еганинг ёғли палов эмас*.

Тиллараро фразеологик эквивалентларни фақат коррелятларнинг синхрон жиҳатдан мослиги бўйича эмас, балки генетик-типологик белгилари билан ҳам таснифлаш мумкин. Тиллараро фразеологик умумийликнинг мавжудлиги ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик сабаблар билан изоҳланади: улар тилларнинг генетик боғланишлари натижасида пайдо бўлади ёки мустақил тиллараро фразеологик мосликларга айланади. Шунинг учун, табиийки, "тиллараро фразеологик мосликлар", "тиллараро фразеологик ўхшашликлар" атамаларини синоним сифатида ишлатишга асос йўқ.

Тиллараро фразеологик мослик, одатда, лингвистик омиллар туфайли пайдо бўлади. Шунинг учун мослик қонунийлиги ва шартлилиги билан ажралиб туради. Тиллараро фразеологик мослик пайдо бўлишига экстралингвистик омиллар сабаб бўлади. "Мослик" тушунчаси "тўғри келиш" тушунчаси билан боғлиқ. Тиллараро фразеологик мослик - бу турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг муштарак маданияти, мантикий ва образли – ассоциатив фикрлаши туфайли қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирида бири-бирдан мустақил равишда юзага келган тиллараро фразеологик мосликлардир. Масалан: англ. *Like two times two is four*; рус. *дважды два – четыре*; узб. *Икки карра икки тўрт*.

Лингвистик адабиётларда ўзаро генетик боғланишларни очиб бермайдиган тиллараро фразеологик мосликларни ифодалаш учун қўлланиладиган "тиллараро фразеологик параллеллар" атамасидан тиллараро фразеологик мосликнинг мутлақ синоними сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ,¹² деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, "тиллараро фразеологик эквивалент" атамаси бошқа барча тур белгиларига нисбатан умумийдир. Ишлаб чиқилган концептуал ва терминологик тизим, биз ишонамизки, тиллараро фразеологик умумийликнинг асосий параметрлари ва хусусиятларини аниқ акс эттиради.

Икки ва ундан ортиқ тилларнинг тиллараро фразеологик умумийлигини ўрганишда, аввало, мослик даражаси юқори бўлган тиллараро фразеологик эквивалент бирликларини, яъни тиллараро фразеологик умумийликларни аниқлаш зарур.

Тиллараро фразеологик умумийликни танлаш манбаларининг асосий турлари қуйидагилардан иборат: 1) ихтисослашган луғатлар ва

¹¹ Ср. : аналог то, что представляет собой сходство в чем-либо /241,1,с.36/. Vall[Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь/English-Russian Phraseological Dictionary. Лит. ред. М. Д. Литвинова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: Русский язык, 1984. с. 36.

¹² Солодухо Э. М. Теория фразеологического сближения (на материале языков славянской, германской и романской групп). – Казань: Изд. Казанского ун-та, 1989. – 296 с.

маълумотномалар; 2) бадий асарлар; 3) публицистика; 4) жонли сўзлашув нутқи.

Тиллараро фразеологик мослик учун фразеологик ўзлашмалар генетик асос, мустақил тиллараро фразеологик мослик эса типологик база бўлиб хизмат қилади.

Тиллараро фразеологик тўғри келиш тиллараро фразеологик мослик бўлиб, уларнинг ўзаро коррелятлари ҳар бир қиёсланаётган тилларда миллий деб эътироф этилади.

Тиллар тизимидаги ФБнинг келиб чиқиши номаълум бўлгани учун муқобиллик даражасини ўрнатишдаги асосий қийинчилик айнан тиллараро фразеологик мослик коррелятларининг этимологиясини аниқлаш билан боғлиқ.

Демак, фразеология соҳасидаги тиллараро муносабатлар кўпқиррали ва мураккабдир. Бу тушунча ва атамаларнинг хилма-хиллигини изоҳлайди. Бу ерда, кўптилли ФБни қиёслашнинг кўпқирралиги ифодаланади, корреляция бўйича: 1) семантик мазмун, 2) функционал ва стилистик тавсиф, 3) лексик таркиб, 4) структур-грамматик расмийлаштириш; генетик хусусият бўйича; типологик хусусият бўйича ва бошқалар.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ишда қабул қилинган концептуал ва терминологик тизимнинг амал қилишини ва тиллараро фразеологик умумийликни ўрганишнинг ишлаб чиқилган назарий асосларининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Тақдим этилаётган тадқиқотда фразеологик мосликнинг асосий хусусияти мослашадиган фразеологик бирликларнинг лексик ва семантик ўхшашлигидир. Тиллараро фразеологик мослик умумий семантик ва стилистик инвариантга эга бўлган ва моддий шаклнинг инвариант умумийлиги, лексик тузилиши (мумкин бўлган қисман тафовутлар билан) ва образли структуранинг мутлақо бир хил бўлмаган грамматик расмийлаштирилишига боғлиқлиги билан тавсифланади.

Тиллараро фразеологик мослик турлари ва уларнинг генетик алоқаларини ўрганиш уларнинг шаклланишида учта асосий йўл мавжудлигини кўрсатади: 1) аралаш (кўп тилли фразеологик мосликнинг турлари, ФБ билан ифодаланган мустақил фразеологик ўзлашмалар ва де-этимологик ҳосилалар: масалан, инглиз ФБ- рус тилидаги де-этимологик ФБ- ўзбекча фразеологик калька; 2) ҳар уч тилда мустақил бир хил фразеологик бирикмалар билан ифодаланган фразеологик мослашув гуруҳи; 3) фразеологик ўзлашмалар билан ифодаланган мосликлар гуруҳи, масалан: инглиз, рус ва ўзбек тилларида фразеологик калькалар.

Кўп ҳолларда тиллараро фразеологик мосликнинг уч таркибли оппозиция қатори ўзлашма шакллари ва мустақил тузилмалар нисбати жиҳатидан турли хил фразеологик мослик билан ифодаланади, улар орасида қуйидагилар энг самарали ҳисобланади:

1. Инглизча ФБ, русча де-этимологик ФБ, ўзбекча фразеологик калька (147 қатор тиллараро фразеологик мослик): **the Middle Ages - средние века - ўрта асрлар; ice age, glacial epoch - ледниковый период – муз даври;**

diplomatic bag - дипломатическая почта - дипломатик почта; **cold steel** - холодное оружие –совуқ курол;

2. Русча ва ўзбекча фразеологик калькалар (97 та тиллараро фразеологик мослик): **a Green Beret** - разг. “зеленые береты” – “яшил беретлар”; **mass culture** - массовая культура – оммавий маданият;

3. Инглиз, рус ва ўзбек фразеологик калькалари (ҳар учала тилдаги фразеологик мослик таснифий шакллари билан ифодаланани): **fish begins to stink at the head** – посл. рыба тухнет с головы [этим. лат. *piscis primum a capite foetet*] - разг. Балиқ бошидан чирийди;

4. Инглиз, рус ва ўзбек тилларининг мустақил фразеологик ҳосилалари (уч тилдаги фразеологик мослик мустақил фразеологик ҳосилалар билан ифодаланани) (20): **armed to the teeth** - вооруженный до зубов – тишигача куролланган;

5. Инглиз ФБ - рус фразеологик ўзлашма (транслитерация варианты), ўзбек фразеологик ўзлашмаси (транслитерация варианты) (12): **Big Ben** - Биг Бен в русск. и узб. **know-how** - ноу-хау в русск. и узб.;

6. Де-этимологик ФБ-фразеологик калька (10): **the land of the Rising Sun** - разг. “страна восход, солнца”, Япония - “кунчиқар мамлакат (Япония); **the language flowers** - “язык цветов” - “гуллар тили”;

7. Инглизча ФБ-русча ФБ-ўзбекча фразеологик калька (9); **inequality of forces** - неравенство сил – кучлар тенгсизлиги; **high quality** - высокое качество – олий сифат; **the open sea** - открытое море, очик денгиз;

8. Фразеологик калька – фразеологик бирлик-фразеологик калька (рус тилидан ўзлашма) (5): **human factor** - человеческий фактор – инсон омили; **Red Square** - Красная площадь – Қизил майдон.

Мазкур ишда ўзаро мос келувчи уч таркибли лисоний қаторнинг энг маҳсулдор турлари ўрганилди ҳамда уларнинг нисбати ўзлашма ФБнинг мавжуд бўлмаслигига, мустақил фразеологик ҳосилалар ва де-этимологик бирликларга қараб белгиланди. Яхлит танлаш усули ёрдамида бир қатор луғатлардан қайд этилган бирликларнинг фразеологик мослиги сони аниқланган ва қуйидаги жадвалда кўрсатилган:


1-жадвал.

Қиёсланаётган тилларда фразеологик мосликнинг сони

Луғатнинг номи	Аниқланган фразеологик мосликнинг сони
Инглизча-русча фразеологик луғат	386
Рус тили сўз бирикмалари	706
Русча-ўзбекча фразеологик луғат	186
Ўзбекча-русча фразеологик луғат	214
Русча-ўзбекча луғат	86

Демак, 636 инглизча-русча, 730 русча-инглизча, 345 русча-ўзбекча ва 226 ўзбекча-русча фразеологик мослик аниқланган. Олинган натижалар қуйидаги диаграммада кўрсатилган:

Тиллараро фразеологик мосликнинг ўзаро нисбати



Иккинчи боб - "Инглиз, рус ва ўзбек тилларида тиллараро фразеологик мувофиқликлар". Ушбу бобда тиллараро фразеологик мосликнинг мустақил пайдо бўлиши, тиллараро фразеологик мосликнинг аралаш гуруҳлари, тиллараро фразеологик мосликнинг лингвистик-миграцион чизиғи бўйлаб "ўзлашма", "фразеологик ўзлашмалар", байналминал гуруҳни ташкил этувчи тиллараро фразеологик мослик, шунингдек, тиллараро фразеологик мосликни шакллантиришнинг энг маҳсулдор усули каби масалалар ўрганилган.

"Фразеологик ўзлашма" деб қабул қилувчи тил учун янги семантик ва синтактик яхлитлик (ибора ёки гап) тушунилади, у ўз ёки чет тилидаги моддий воситалар ёрдамида қайта яратилади ва ундан мунтазам фойдаланиш характериға эға бўлади. Фразеологик ўзлашмаларнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) таржимасиз олинган фразеологик бирликлар; 2) фразеологик ўзлашмаларнинг транслитерацияланган шакллари; 3) калькаланган фразеологик иборалар (бу ерда ўхшаш компонентли фразеологик бирликлар-ярим калькалар).

Таҳлил қилинган ўзбек тилидаги фразеологик ўзлашмалар шаклланиш жараёнларининг асосий йўналиши белгиланди: Инглиз => рус => ўзбек тили. Инглиз-рус-ўзбек фразеологик фондидаги энг катта улуш стандарт инглиз ва Америка инглиз тили вариантларидан фразеологик ўзлашмаларнинг транслитерацияланган турлари бўйича кичикроқ қисми фразеологик калькалар билан ифодаланади.

Инглиз тили манбасидан олинган фразеологик ўзлашмаларни тизимлаштириш бизға, энг аввало, ижтимоий-сиёсий сўз бойлигини акс эттирувчи композицион терминларнинг беҳисоб сонини аниқлаш имконини берди.

Кўриниб турибдики, тиллараро позициялардан интернационализмларни ажратиш керак, бу ҳолда "фразеологик интернационализмлар" қабул қилувчи тили учун ўзлашмаларни ифодаловчи, лексик-семантик мосликға эға бўлган ва кўриб чиқиладиган тилларда мунтазам ишлатиладиган ва турли тилларда қайд этилган фразеологик мослик деб тушунилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, инглиз-рус-ўзбек тилларидаги тиллараро фразеологик фондида ҳам шунга ўхшаш фразеологик интернационализмлар гуруҳи намоён бўлади. Инглиз-рус тиллараро фразеологик фондидаги кўриб чиқилган қатламга нисбатан уларнинг аҳамиятсизлиги баъзи экстралингвистик омиллар билан изоҳланади:

1. Уларнинг аксарияти турли тилларга кириши учун маҳсулдор бўлган муайян босқичга оид, шунингдек, асл нусхалардан таржима ишларининг жадаллашуви ҳам таъсир қилган.

2. Ўзбекларда бошқа диний ақидалар ҳукмронлиги боис, “Инжилга” мурожаат қилишга унчалик эҳтиёж йўқ эди. Бошқа томондан, “Совет даври” нинг “атеизми” ҳам роль ўтаган.

3. “Маданий субстрат”нинг ўзига хослиги маданий ахборотни идрок қилиш ёки қабул қилмасликка таъсир қилувчи омилдир.

4. Тилларнинг бевосита алоқаси йўқлиги туфайли ўзбек тилида бундай хосилаларнинг воситачи тил орқали пайдо бўлиши.

Юқорида санаб ўтилган омиллар билан ўзбек тилидаги библеизм ва мифологизмларнинг ўзлашиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд; ингл. the Alpha and Omega – рус. альфа и омега (суть, самое существенное) – рус. альфа и омега – ўзб. Бош-оёғи, бир нарсанинг боши ва охири. “Алфа ва омега” ахборот компонентларининг ўзига хос хусусияти ўзбекистонлик учун ноаниқ. Демак, транслитерация қилинган шаклнинг йўқлиги, лексемадаги грамматик тузилмани сақлаб, лексик ўзгариши, сўзма-сўз “бошланиш ва тугатиш” маъносини англатади. Баъзи мифологизмлар ҳеч қандай фразеологик муқобилликни шакллантирмайди (турли хил лексикографик ва фразеографик нашрларда фақат уларнинг шарҳлари берилган): ингл. apple of discord – рус. яблоко раздора – ўзб. Уруш жанжалга сабаб бўлган нарса.

Ўзбек тилида фразеологик интернационализмларнинг шаклланиш амалиёти кўп жиҳатдан жаҳон маданий-тарихий меросининг таъсири билан белгиланади, интернационал фразеологик бирликларнинг анча кенг қатлами рус ва инглиз тилларида намоён бўлади.

Ўзбек тилидаги салмоқли лўндалик (лакунарлик) инглиз-рус фразеологик фондида қайд этилган китобий матнлар, индивидуал мифологизмлар, латинизмлар ва бошқа турлари билан ифодаланадиги, улар кўплаб тилларнинг мулкига айланган ва турли манба- тиллардан ўзлашган.

Шундай қилиб, интернационал фразеология ўз ичига қуйидагиларни олади:

- юнон ва Рим мифологияси, тарихи, адабиёти ва Инжил келиб чиқиши ФБдан олинган образларга асосланган фразеологик бирликлар;

